

Date: 29th June-2025

**ЕР СЕРВИТУТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ
ҚОНУНЧИЛИККА ТАЪСИРИ**

Улугмурат Турдиевич Эрназаров

Демократия ва инсон ҳуқуқлари Инститuti ҳузуридаги
Ҳакамлик суди раиси, профессионал медиатор. Тошкент, Ўзбекистон
u.ernazarov64@gmail.com

**ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ЗЕМЕЛЬНОГО СЕРВИТУТА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА
СОВРЕМЕННОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО**

Улугмурат Турдиевич Эрназаров

Председатель Третейского суда при Институте Демократии и прав человека,
Профессиональный медиатор Ташкент, Узбекистан
u.ernazarov64@gmail.com

**DEVELOPMENT TRENDS OF LAND SERVITUDE AND THEIR IMPACT ON
CURRENT LEGISLATION**

Ulugmurat Ernazarov

Chairman of the Arbitration Court
at the Institute of Democracy and Human Rights,
Professional mediator Tashkent, Uzbekistan
u.ernazarov64@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ер сервитут институтининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинади, турли мамлакатлар тажрибаси асосида мазкур институтнинг такомиллашишига оид масалалар кўриб чиқилади. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги амалдаги қонунчиликка ер сервитутлари қандай таъсир кўрсатаётгани ҳамда мавжуд ҳуқуқий муаммолар таҳлил этилади ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Аннотация: В данной статье анализируются тенденции развития института сервитутов на землю, рассматриваются вопросы совершенствования данного института на основе опыта различных стран. Также проанализировано влияние сервитутов на действующее законодательство Узбекистана, выявлены существующие правовые проблемы и предложены пути их решения.

Abstract: This article analyzes the development trends of the land servitude (servitude rights) institution and examines its improvement based on the experience of various countries. It also explores the impact of servitudes on Uzbekistan's current legislation, identifies existing legal issues, and proposes potential solutions.



Date: 29th June-2025

Калит сўзлар: ер сервитути, мулк ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи, қонунчилик, тенденциялар, ривожланиш.

Ключевые слова: земельный сервитут, право собственности, право пользования, законодательство, тенденции, развитие.

Keywords: land servitude, property rights, right of use, legislation, trends, development.



Мамлакатимизда бошланган мулкый ислохотларни ўтган асримизнинг 90-йилларидан, аниқроғи, 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган “Мулкчилик тўғрисида”ги, 1991 йил 19 ноябрдаги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлар билан боғлашади. Аслида мулкый ислохотлар Республикамизда бундан-да аввалроқ, аниқроғи, ўтган асримизнинг 80-йиллари охирлариданоқ бошланиб, у айнан ер билан боғлиқ эди. 1989 йил 15 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида” кўшма қарори қабул қилинган, унда юқоридаги ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқароларга шароитдан келиб чиқиб, 0,25 гектаргача томорқа участкаси ажратиш ҳақида норма белгиланган эди.

Ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг белгиланиши юқорида таъкидлаганимиздек, ривожланган бозор шароитининг зарурий шартларидан бири сифатида амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолатни ривожланган мамлакатлар амалиётида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, Германия, Франция, Япония, Англия ва бошқа кўплаб давлатларда ерга нисбатан хусусий мулк белгиланган. Ерга нисбатан хусусий мулкчилик МДХ давлатларидан РФ, Қозоғистон ва бошқа бир қатор давлатларда мавжуд. Шу муносабат билан ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқининг жорий этилиши лозим бўлган жараён ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни алоҳида аҳамиятга эга.

Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлақонли жорий этилмаганлиги ҳақиқий мулкдорлар қатламини етарлича шаклландирмаганига, ерни ҳақиқий товар сифатида бозор муомаласига киритилмаслигига ҳамда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётга нисбатан ишончини пасайишига олиб келди[12]. Шу боис, ушбу норма янги Конституциядаги ҳақиқий инқилобий ўзгаришлардан бири сифатида мулкчилик муносабатлари ривожига хизмат қилади.

Хусусийлаштирилган ер участкаси мулкдори ерни сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш каби ҳуқуқларни қўлга киритади.

Хусусий мулк бўлган ерни давлат фақат мулкдорни розилиги билан, шартнома асосида, бозор нархида жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиши

Date: 29th June-2025

мумкин. Яъни, ер “снос”га тушиб кетмайди, давлат ерни келишилган нархда сотиб олсагина, ер бегоналаштирилиши мумкин.

Ерга нисбатан хусусий мулк тадбиркорларнинг кредит лаёқатлилики даражасини ортишига ҳам хизмат қилади ҳамда мол-мулкни оқилона бошқариш орқали даромадларни кўпайтириш имконини беради.

Ернинг хусусий мулк сифатида эътироф этилиши мулкдорлар қатламини кенгайтиришига, ер бозорининг ривожланишига, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорликни оширишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда ер хусусий мулкка айланмоқда. Жисмоний ва юридик шахслар ўзларига тегишли (қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган) ер участкаларини хусусийлаштириши мумкин бўлди. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзларига тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириши мумкин. Бу ерда аниқ айтиш керакки, қайси ер участкалари хусусийлаштириш объекти бўлади? Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилади. Жумладан: Хусусийлаштириш объектилари қуйидагилардан иборат: юридик шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари; Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари; хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектилари жойлашган ер участкалари; бўш турган ер участкалари.

Ўзбекистон Фуқароларида яқка тартибдаги уй-жой, юридик шахсларда эса нотурар бино-иншоотлар, ер участкасини кадастр хужжатларини расмийлаштириш орқали хусусийлаштириб олиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, сервитут латинча “servire” – хизмат кўрсатиш сўзидан келиб чиққан. Сервитутнинг моҳияти шундан иборатки, битта ер участкасининг афзалликлари ёки камчиликлари қўшни хисобига қондирилади, яъни манфаатдор субъектларга (қўшни ер участкаси мулкдорларига) ўзганинг кўчмас мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Ер ҳуқуқи ва сервитут ҳуқуқи кўчмас мулк билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларга тегишли ҳуқуқий тушунчалардир. Кўчмас мулк деганда ер ва унга доимий боғланган барча нарсалар, масалан, бинолар киради. Ер ҳуқуқи ва сервитут ҳуқуқи ердан фойдаланиш ва ундан фойдаланишни белгилаш ва тартибга солишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ер кодексининг 30-моддасига кўра, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) — кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгасининг қўшни ер участкасидан, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкасидан ҳам чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир[1].



Date: 29th June-2025



Қонунчиликка кўра[2], Ўзбекистонда ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш, жамоат эҳтиёжлари учун оммавий сервитут белгилашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати юзага келмоқда. Демак, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардага кўра *хусусий ва оммавий* серветутлар белгиланиши мумкин. *Хусусий сервитут* ўрнатиш тартиби фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади. Сервитут уни ўрнатишни талаб қилаётган шахс билан қўшни ер участкаси мулкдори ўртасида ўзаро келишувга эришилганда ўрнатилиши мумкин.

Миллий қонунчилик тизимида биринчи бор *оммавий сервитут* назарда тутилмоқда (ушбу соҳада ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд эди) ҳамда “*оммавий сервитут*” сервитутнинг асосий хусусиятларига мос келиш ёки келмаслигини ҳал қилиш лозим.

Биринчидан, хусусий сервитут ва оммавий сервитутни ўрнатиш тартиби биридан фарқ қилади. Хусусий сервитут уни белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ белгиланади, шунингдек, суд қарори билан ҳам белгиланиши мумкин[3]. Масалан, юридик шахс хорижий корхона билан бинонинг олди-сотди шартномасини тузди. Бинога эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқий ваколатини амалга ошириш чоғида харид қилинган кўчмас мулк объектига ўтишга доир қийинчиликлар юзага келди, чунки йўл бошқа субъектлар - сотувчининг ўзи ва учинчи шахс (якка тартибдаги тадбиркор)нинг кўчмас мулки жойлашган ер участкалари орқали ўтган эди. МЧЖ корхонага ўзи сотиб олган мол-мулкка эркин, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорга тегишли бўлган кўчмас мулк жойлашган ер майдони орқали ўтишни белгилашда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Сотувчи бу мурожаатни қондирмади ва жамият судига айтилган шахсларнинг кўчмас объектлари жойлашган ер участкалари орқали сервитут белгилаш ва сотувчини тақдим этилган мурожаатни қондиришга мажбур этиш хусусида даъво аризасини топширди. Суди биринчи инстанциясининг ҳал қилув қарорига мувофиқ сервитут якка тартибдаги тадбиркорнинг ер участкасида белгиланди. Қонун ҳужжатларининг коидаларини таҳлил қилиб, суд куйидагиларни белгилади: Фуқаролик кодекси 173-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамият қўшни ер участкаларининг эгаларидан сотиб олинган кўчмас мулк объектига эркин ўтиш ва боришни таъминлаш мақсадида сервитут белгилашни талаб қилишга ҳақлидир.

Жамоат эҳтиёжлари учун давлат сервитутини белгилаш одатда қонуний ва тартибга солиш жараёнини ўз ичига олади. Оммавий сервитутлар жамоат манфаатларига хизмат қиладиган аниқ мақсадлар учун хусусий мулкдан фойдаланиш ёки уларга кириш ҳуқуқини аҳолига таъминлаш учун ўрнатилади. Жамоат эҳтиёжлари учун давлат сервитутлари жамоат манфаатларига хизмат қилиш ва мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ўртасидаги мувозанатни ўз ичига олади. Ҳуқуқий йўл-йўриқ ва тегишли жараёнга риоя қилиш бутун жараён давомида жуда муҳимдир. Давлат, жамият, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва

Date: 29th June-2025

аҳолининг манфаатларини таъминлаш учун бевосита қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар билан оммавий сервитут ўрнатилиши мумкин.

Иккинчидан, оммавий сервитутда кўчмас мулкдан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган аниқ субъект бўлмайди, балки субъектлар доираси бўлади. Хусусий сервитутда эса фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этувчи ва ундан фойдаланувчи аниқ белгиланган бўлади. Янги таҳрирдаги ўзгаришларга кўра (оммавий серветут), ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради. Яъни жамоат эҳтиёжлари учун оммавий сервитут белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчидан, оммавий сервитут муайян ер участкаси мулкдори манфаатлари учун эмас, балки жамоат манфаатлари учун ўрнатилади. Геология-суратга олиш, кидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда оммавий сервитут асосида амалга ошириши мумкин. Геология-суратга олиш, кидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга ошириш учун оммавий сервитут қонунчиликда белгиланган тартибда рухсатнома олган ёки ушбу рухсатномани берган ташкилотнинг мурожаатига асосан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Юқоридаги таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, оммавий сервитут Рим хусусий ҳуқуқидаги сервитут билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Оммавий сервитутлар аҳолини, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва давлат манфаатларини таъминлаш учун жорий қилинган[4].

Давлатнинг ишлаб чиқариш, савдо-сотик фаолиятида интенсив иштироки оммавий сервитутларни вужудга келишининг сабабларидан бири бўлиб, бунда давлат мустақил хўжалик субъекти сифатида номоён бўлади[15]. Оммавий-ҳуқуқий ташкилотлар манфаатида электр энергия тармоқлари, алоқа тизими, газ ва нефт қувурлари, йўллар, жамоат бинолари ва иншоотлари қуриш, транспорт алоқаси тизимларини яратиш учун хусусий мулк мажбурий тартибда олиб қўйилиши ёки мажбурий сервитут белгиланиши мумкин. Бунда, сервитут белгиланган объектдан мулкдорларининг оммавий манфаатларга зарар етказишга олиб келувчи тарзда эркин эксплуатация қилиш тақиқланади. Бундай субъектлар томонидан қурилиш ва бошқа ҳар қандай ишлар маъмурий рухсат олингандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Оммавий сервитутнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу сервитут амалий жиҳатдан мулкдорнинг ҳошиш-иродасига умуман боғлиқ бўлмайди. Бу эса унинг императив хусусиятга эга эканлигини англатади.

Шундай қилиб, сервитут ўрнатиш тартиби тўғрисидаги қоидалар, уни ўрнатишдан манфаатдор ваколатли субъектлар, шунингдек, аниқ оммавий



Date: 29th June-2025

манфаатларнинг мавжудлиги ва ер участкасини зарарни қопламасдан олиб қўйиш имкониятининг йўқлиги – оммавий сервитут ўрнатишнинг асосий талаблари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига сервитут тўғрисидаги шартномага, сервитут иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига, сервитутни ўзгартириш ва уни бекор қилиш, сервитут учун ҳақ тўлаш, оммавий сервитутни белгилаш тартиб махсус тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 23 октябрдаги “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-871-сонли қонуни имзоланди. Унга кўра, сервитутни амалга ошириш тартиби такомиллаштирилган.

Фуқаролик кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ: сервитут олди-сотди, ҳадя, гаров ёки ижаранинг мустақил предмети бўлиши мумкин эмас;

сервитут учун тўланадиган (бир марталик ёки доимий) ҳақ миқдори сервитут амал қиладиган давр учун белгиланган ер солиғи (ижара ҳақи) суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ер кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ:

Сервитут тўғрисидаги шартномада қуйидаги **шартлар кўрсатилиши** керак:

- сервитут белгиланиши керак бўлган ер участкасининг кадастр рақами;
- сервитутни белгилашнинг мақсадлари ва асослари;
- шартнома тарафлари тўғрисидаги маълумотлар;
- сервитутнинг амал қилиш муддати;
- сервитут учун белгиланган ҳақ миқдори (мавжуд бўлганда);
- шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги;
- белгиланган сервитут муддати тугаганидан кейин ер участкасини белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш ҳақидаги сервитут мажбурияти.

Сервитут қуйидаги ҳолларда **бекор қилиниши мумкин:**

- сервитут иштирокчиларининг ўзаро келишувига кўра;
- ер эгасининг, ердан фойдаланувчининг, ер участкалари ижарачиси ва мулкдорининг ёки сервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахснинг асосланган талабига кўра;
- сервитутдан узоқ муддат (камида 3 йил) фойдаланилмаганда;
- сервитутнинг амал қилиш муддати тугаганда;
- агар сервитут белгилаш учун сабаб бўлиб хизмат қилган асослар ўз аҳамиятини йўқотган бўлса;
- қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра.



Date: 29th June-2025

Жамоат эҳтиёжлари учун ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳукуқи (**оммавий сервитут**) қуйидаги мақсадлар учун белгиланиши мумкин:

- ўзганинг ер участкасида геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга ошириш;
- ўзганинг ер участкасидан умумий фойдаланишдаги электр узатиш тармоқлари, алоқа линиялари ва бошқа линиялар, трубопроводлар, ички суғориш тармоқлари, муҳандислик тармоқлари ҳамда бошқа тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш.

Оммавий сервитут ўрнатиш зарурияти жамоатчилик эшитувлари натижаси ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади ва бу унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликда сервитут муддати алоҳида белгиланмоқда, серветут муддати деганда, таъкидлаш керакки, сервитут ҳуқуқлари амал қиладиган ва амалга оширилиши мумкин бўлган муддат ёки давр тушунилади.

Сервитутларни иккита асосий тоифага бўлиш мумкин.

Доимий сервитутлар:

Доимий сервитутларнинг амал қилиш муддати олдиндан белгиланмаган ва чексиз муддатга давом этиши мумкин. Улар одатда ер билан ишлайди, яъни мулк эгалик ҳуқуқини ўзгартирса ҳам, сервитут ҳуқуқлари давом этади. Коммунал хизматлар, фойдаланиш ёки сақлаш мақсадлари учун сервитутлар кўпинча доимий бўлиши учун мўлжалланган.

Вақтинчалик (ёки чекланган муддатли) сервитутлар:

Вақтинчалик сервитутлар маълум муддатга эга ёки маълум бир воқеа билан боълиқ бўлиши мумкин. Муддат тугаши ёки воқеа содир бўлгандан сўнг, сервитут ҳуқуқлари мавжуд бўлмайди. Мисол учун, ер эгаси қурилиш мақсадларида вақтинчалик сервитут бериши мумкин ва қурилиш тугагандан сўнг, сервитут тугайди. Ёки сервитутдан узоқ муддат (камида уч йил) фойдаланилмаганда.

Сервитутнинг муддати ёки давомийлиги сервитут шартномасида ёки ҳужжатида кўрсатилган ҳал қилувчи жиҳатдир. Сервитутни яратиш ёки музокаралар олиб боришда манфаатдор томонлар келажақда тушунмовчиликлар ва ҳуқуқий муаммоларни олдини олиш учун мўлжалланган муддатни аниқ белгилашлари керак.

Юқоридагилардан ташқари, Кўпинча компенсация деб аталадиган сервитут учун тўлов бошқа шахсга сервитут ҳуқуқини бериш эвазига мулк эгасига бериладиган молиявий тўловдир. Тўлов миқдори ва шакли сервитутнинг табиати, унинг мулкка таъсири, маҳаллий қонунлар ва томонлар ўртасидаги музокаралар каби омилларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Сервитут учун компенсация кўпинча берилган ҳуқуқларнинг адолатли бозор қийматига асосланади. Бу сервитутнинг мулкнинг умумий қийматига таъсирини аниқлаш учун баҳолаш ва баҳолашни ўз ичига олиши мумкин.



Date: 29th June-2025

ервитут кимнинг манфаатларини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахс, агар қонунда ёки сервитут тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут учун ҳақ тўлаши шарт.

Сервитут учун ҳақ сервитут белгиланган ер участкаси учун ер солиғи (ижара ҳақи) суммасини, шунингдек сервитутдан фойдаланиш жараёнида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарни (бой берилган фойдани) компенсация қилиш мақсадида белгиланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 23 октябрдаги “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-871-сонли қонуни имзоланди. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.10.2023 й., 03/23/871/0797-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 23 октябрдаги “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-871-сонли қонуни имзоланди. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.10.2023 й., 03/23/871/0797-сон.
3. Ерга оид низолар бўйича суд амалиёти. Тошкент 2007. 13 бет
4. Копцев А.Н. Сервитуты в римском праве и современном российском законодательстве //Нотариус. 2006. №2.
5. Гражданское и торговое право капиталистических государств. М., 1993. С. 217 – 218.

